

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**



РЕФЕРАТ

Мавзу: Давлат функциялари, тушунчаси ва таснифи.

Бажарди: М. Кодир ўғли

Тошкент 2011



РЕЖА

I.Кириш

II.Асосий қисм:

1. Давлатнинг функциялари тушунчаси ва моҳияти.
- 2.Давлатнинг вазифалари ва функциялари.
- 3.Давлат функцияларини таснифлаш. Давлат функцияларининг ривожланишига ва ўзгаришига таъсир этувчи омиллар (ички ва ташқи).
- 4.Давлатнинг ички ва ташқи функциялари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар.
5. Ўзбекистон давлатининг асосий функциялари.
6. Давлат функцияларини амалга оширишнинг шакллари ва усуллари

III.Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар.



КИРИШ.

Давлат мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқоролик жамияти қуриш йўлини танлаб олди. Ушбу ишни амалга оширишда деярли барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, айниқса мамлакатимиз дунёнинг ривожланган мамлакатлари илғор демократик ғоялари ва тажрибаларига суянган ҳолда давлатнинг қонунлари тизимини ривожлантириш сари борди. Бу мақсад йўлида олдинги шўро даври тузумининг иллатларини бутунлай йўқотиб ташлашга кескин киришилди. Умуминсоний қадриятлар, жаҳон тан олган чинакам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари нормаларини қарор топтириш вазифаси қўйилди.

Республика Президенти И. А. Каримов ўзининг илк асарларидан бири «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида шундай тавсифни келтиради: *«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик – ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварликларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»*. Давлатимизнинг ўз давлатчилигини барпо этишдек юксак вазифа турганлигини И. А. Каримовнинг қуйидаги фикри исботлайди: "Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунё қараши, жумладан диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқуқ – атвор нормалари шуни тақазо этади»².

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура. 1-том, Т. «Ўзбекистон», 1996, 44-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон».

Давлат – сиёсий ҳокимият ташкилоти бўлиб, муайян ҳудудда турли



синфий, умуминсоний, диний, миллий ва бошқа манфаатларни амалга оширишга кўмаклашади. Ҳозирги даврда демократии ҳуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқиш ҳуқуқшунослик фанининг асосий ғояси ва вазифасидир. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ҳозирги пайтда жаҳон тараққиётининг марказий йўналишидир. У ижтимоий борлиқни бутунлай қамраб олади. Бу эса ҳозирги даврда давлат ва ҳуқуқнинг аҳамияти объектив равишда янада ошишига олиб келмоқда.

Ушбу курс иши давлатчилик назариясининг институти бўлмиш давлат функциялари мавзусига бағишланган. Курс ишида кўтарилган мавзу долзарблиги жиҳатидан анча муҳим ўрин эгаллайди, чунки давлатнинг моҳияти унинг фаолиятида, яъни давлат функцияларида яққол намоён бўлади. Давлат функциялари — давлат фаолиятининг намоён бўлиши, давлатнинг вазифаси ва ролидир. Ҳуқуқшунос олимлар давлат функцияларини унинг фаолият йўналиши билан боғлайдилар. Шунинг учун ҳуқуқий адабиётларда давлат функциялари, унинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини ўрганишга катта эътибор берилади. Курс ишида давлат функциялари тушунчаси, давлат функцияларининг таснифи, ички ва ташқи функциялар, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг функциялари каби масалалар очиб беришга ҳаракат қилинган.



1. Давлатнинг функциялари тушунчаси ва моҳияти.

Давлат - сиёсий ҳокимият ташкилоти бўлиб, муайян ҳудудда турли синфий, умуминсоний, диний, миллий ва бошқа манфаатларни амалга оширишга кўмаклашади. Давлатнинг моҳияти унинг фаолиятида, давлат функцияларида яққол намоён бўлади. Давлат функциялари — давлат фаолиятининг намоён бўлиши, давлатнинг вазифаси ва ролидир. Ҳуқуқшунос олимларнинг давлат функциясига қарашларида жиддий фарқ йўқ асосан сўзлар, иборалар ҳақида баҳс боради, ҳолос. Уларнинг ҳаммаси ҳам давлат функцияларини унинг фаолият йўналиши билан боғлайдилар. Шунинг учун ҳуқуқий адабиётларда давлат функциялари, унинг моҳияти, мақсад ва вазифаларини ўрганишга катта эътибор берилади.

Давлат функциялари унинг даври, сиёсати, мақсади, вазифалари ва фаолияти билан ҳамбарчас боғланган.

Авваламбор, давлат пайдо бўлганидан буён унинг ривожланишида кўп даврлар ўтган. Шундай экан, жамият тараққиётининг турли босқичларида давлат функцияларининг мазмуни ва тизими ҳам ўзгариб бораверган. Масалан, илк бор давлат келиб чиққан пайтдаги функциялардан уларнинг тизими ўз мазмуни ва ҳажми жиҳатдан анча фарқ қилади.

Бу ҳолат биринчи навбатда жамият ривожланишининг мазкур босқичдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолари ва вазифалари билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, масалан, давлатнинг ҳозирги даврда тан олинаётган табиат бойликлари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш функцияси Қулдорлик давлатида бўлмаганлигини кўрамиз, чунки бунга ҳали эҳтиёж ҳам бўлмаган. У пайтда инсоннинг ҳаёт кечириши учун табиий шарт-шароитлар етарли ва зарарсиз бўлган.

Давлатга унинг функционал фаолияти томонидан ёндошув биринчидан, давлат тушунчасини чуқурроқ билиб олишга, уни жамият ҳаётидаги тарихий аҳамияти ва ролини кўришга ёрдам беради. Иккинчидан, давлат фаолияти моҳиятини, унинг механизмни конкрет



тарихий шароитларда илмий нуктаи назардан чизиб беришга имконият туғдирди. Учинчидан, сифатли давлат бошқарувини амалга ошириш учун давлатнинг ташкилий тизимларини мукаммаллаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Давлатнинг функциялари - бу давлат фаолиятининг бош йуналишлари бўлиб, жамиятни бошқариш жараёнида тегишли шакл ва усуллар ёрдамида давлатнинг мақсад ва вазифаларини, моҳияти ва ижтимоий белгиларини ифода этади.

Юқорида келтирилган таъриф давлат функцияларининг нисбатан ахамиятга эга бўлган белгиларини ажратиб кўрсатишга ёрдам беради:

1. Давлат функциялари унинг исталган барча фаолиятлари бўлмасдан, балки асосий ва бош йуналишларидир, бу фаолият йуналишларини давлат тарихининг у ёки бу босқичида ёки ўзининг бутун амалда булиш даврида четлаб ўтиши мумкин бўлмайди. Бу давлатнинг у ёки бу доирадаги мустаҳкам, шаклланган фаолиятидир (иктисодда, сиёсатда, табиат муҳофазасида).
2. Функцияларда давлатнинг энг чуқур ва мустаҳкам томонлари, яъни унинг моҳияти ифода этилади. Шунинг учун ҳам функциялар орқали давлатнинг моҳиятини, унинг жамият билан кўпқиррали боғлиқлигини ўрганиш (билиш) мумкин.
3. Функцияларини бажара туриб, давлат жамиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ечади, унинг фаолияти эса амалий йўналишни касб этади.
4. Давлат функциялари бошқарувлик тушунчасини англатади. Улар жамият тараққиётининг ҳар қандай тарихий босқичида давлат бошқарувининг мақсадларини конкретлаштиради.
5. Функциялар маълум шаклларда (асосан ҳуқуқий) ҳамда давлат ҳокимияти учун характерли бўлган усулларда амалга оширилади.

Функциялар давлат билан жамият ўртасидаги ўзаро ҳаракатларга жуда боғлиқ. Давлат томонидан ўз функцияларини бажармаслик ижтимоий



ҳаётда негатив аҳволнинг пайдо бўлишига олиб келади. Агарда давлат ҳуқуқ тартиботни таъминлаш функциясини амалга оширишдан тўхтаса, жамият мувозанати бузилади, унинг барбод бўлишига олиб келади.

Давлат функциялари жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий таркибидан, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, халқ манфаатларидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларнинг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланади.

Давлат функциялари — фаолият йўналиши, бироқ ҳеч қачон фаолиятнинг айнан ўзи эмас. Давлат функцияларини амалга оширишга оид фаолият муайян – тарихий шароитлар билан белгиланади.

Умуман, давлат функциясини, муайян давлатнинг функциясини, давлатнинг айрим органлари функциясини ва уларнинг ваколатларини билиш керак. Чунки бу тушунчаларнинг ҳар бирида ўзига хос фарқ бор. Чунончи, айрим бир давлат функциясининг ўзига хос шундай маъноси бўладики, унинг ривожланиш шароити, хусусиятлари ўша давлатдан бошқа давлатларда бўлмайди. Айрим давлат органининг функцияси умуман давлатнинг табиати ва функциясидан келиб чиқади, айтилган вақтда ўз хусусиятига эга бўлади. Агар функция фаолият йўналишини билдирса, компетенция қонуний ҳуқуқ ваколат билан боғлиқ бўлади.

Давлат функцияларининг объектив характердалиги, уларнинг кишилар эркин ва онгини четлаб ўтмасдан амалга оширилишини англатади.

Демак, давлат ўз функцияларини ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини аниқлашдан олдин жамиятнинг мавжуд ижтимоий талабларини эътиборга олиши зарур. Бу эса кишиларнинг онгли фаолияти билан таъминланади. Давлатнинг фаолияти, худди унинг ўзидек объектив характерга эга. Чунки давлатни келтириб чиқарган ва мазкур босқичида мавжуд бўлишини тақозо этувчи зарурат ва эҳтиёжлар унинг фаолият кўрсатишини талаб этади, акс ҳолда у ўзининг тарихий тайинланишини, вазифаларини ҳал эта олмаганлиги туфайли яшашга, ҳаракат қилишга қодир бўлмай қолади.



Давлатнинг жамият ва шахс ҳаётига аралашуви даражаси унинг функциялари чегарасини, мазмунини ва қолаверса, уларнинг бутун моҳиятини белгилайди. Бу аралашув жамият ва инсоннинг мазкур босқичдаги талаблари даражасида бўлса, демак давлат ижобий аҳамиятга эга бўлган қадриятдир. Агар давлат бу ишларга ортиқча аралашса, иқтисодий ва ижтимоий эркинликни чегаралаб қўйса, ҳаётда салбий роль ўйнайди ва тоталитаризм сари қадам қўйган бўлади. Шунинг билан биргаликда жамият ҳаётининг айрим соҳаларидаги вазифалар фақат давлат фаолияти орқалигина ҳал этилади, масалан, мамлакатни мудофаа қилиш, ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ва қўриқлаш, шу жумладан жинойтчиликка қарши кураш кабилар.

Давлат фаолиятининг энг муҳим соҳалар (йўналишлар)га бўлиниши, юқорида айтганимиздек унинг функцияларини келтириб чиқаради. Функциялар давлат фаолиятининг шунчаки туплами, арифметик йиғиндиси эмас. Улар давлат фаолиятининг муҳим, асосан йирик соҳалардаги йўналишларидан иборат. Масалан, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ёки мамлакат мудофааси соҳаларида давлат олиб бораётган ишларни алоҳида – алоҳида асосий функциялар сифатида кўрсатиш мумкин ва лозим. Шундай қилиб давлат функциялари унинг сиёсати, мақсади, вазифалари ва ваколатлари билан белгиланадиган маълум босқич (давр)даги фаолиятининг асосий йўналишларидир.³ Мазкур асосий функциялар таркибида тагин нисбатан кичикроқ йўналишлар ҳам бўлиши табиийдир. Масалан, давлатнинг ҳозирги замондаги маданий – тарбиявий функцияси таркибида инсонларни маънавият ютуқлари асосида тарбиялаш битта кичик йўналиш бўлса, фан ва техникани тараққий эттириш – иккинчи, олий, ўрта махсус ва умумтаълим тизимини ривожлантириш – учинчи йўналишдир ва ҳоказо.

Ҳар бир тарихий даврда давлатнинг ўзига хос муайян функциялари

³Спирidonов Л.И. Теория государства и права. Учебник, Москва, 1995, 47– 48– бетлар.



бўлади. Ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучларнинг келиши билан давлатнинг функциялари ўзгаради. Жамиятда устувор манфаатлар алмашганда ҳам давлат функцияларининг ўзгариши содир бўлади. Масалан, уруш даврида давлатнинг мудофаа функцияси биринчи уринга чиқади ёки бозор муносабатларига ўтишда давлатнинг иқтисодий функцияси алоҳида аҳамият касб этади. Функцияларнинг мазмуни давлат ривожланишининг муайян босқичларда ўзгариши мумкин. Давлат функцияларининг ўзгариши айниқса, туб ижтимоий – иқтисодий ислохотлар, инқилоблар даврида яққол кўзга ташланади.

Давлатнинг фаолиятида умуминсоний ва синфий манфаатлар муштараклиги намоён бўлади. Бир томондан, ҳар қандай давлатда муайян жамият табиатидан келиб чиқадиган умумижтимоий функциялар бўлади. Давлат бутун жамият манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Демак, ҳар қандай умумижтимоий фаолиятни амалга оширади, бутун жамият, унинг барча аҳолиси ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг вакили сифатида иш юритади. Иккинчи томондан эса, давлат муайян синфнинг, ижтимоий гуруҳнинг сиёсий ташкилотидан иборат бўлиб, давлатнинг бош функцияси шу синф, ижтимоий гуруҳ манфаатларини муҳофаза қилишдан иборат бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда *давлат* функцияларига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Давлат функциялари — давлатнинг муайян умуминсоний ва синфий моҳияти ҳамда ижтимоий мақомидан келиб чиқадиган мақсадларга эришиш учун, унинг олдида турган вазифаларни амалга оширишга оид фаолиятининг асосий йўналишларидир.⁴

Ҳар бир функция қатор қисмлардан таркиб топади. Буни аниқроқ тушуниш учун қуйида мудофаа функциясини мисол келтирамиз. Мазкур функция таркибига: давлатнинг ташқи чегараларини аниқ белгилаш ва уни кўриқлаш чоратadbирларини куриш, курулли кучларни шакллантириш ва тарбиялаш, уларни

⁴ А.Саидов, У.Тожионов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, 2 жилдли, ИИВА, Тошкент, “Адолат”-2001йил, 1-жилд, 190-бет.



курол — аслаха, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб туриш, зарур бўлганда мамлакатни ҳарбий куч билан химоя қилиш, давлат хавфсизлиги ҳақида ғамхурлик қилиш, мудофаа соҳасидаги ишларга раҳбарлик қилиш буйича давлат органларини ташкил этиш, ҳарбий-мудофаа ҳақидаги қонунларни яратиш ҳамда такомиллаштириш кабилар киради.

Давлат ўз функцияларини адо этиш учун қонун чиқарувчилик, ижро этувчилик ва судлов фаолиятини олиб боради.

Давлат ўз функцияларини амалга оширишда ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбур этиш усулларида фойдаланади. Мазкур шакллар ва усулларнинг қўлланиш даражаси давлат функцияларининг ҳажми, даври, тизими, характерли хусусиятлари билан боғлиқ.

Давлат функцияларининг моҳияти, мазмуни, айрим босқичлардаги хусусиятлари уларни таснифлашга сабаб бўлади. Давлатнинг фаолияти объектив бўлгани ҳолда унинг функцияларини таснифлаш субъектив хусусиятга эга. Чунки функцияларни таснифлаш олимлар томонидан фанда, назарияда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ҳатто бир даврдаги функциялар таснифи ҳар хил ифодаланади. Бу фикрга ишониш учун давлат ва ҳуқуқ назариясидан ёзилган 3-4 та дарсликни қуриш кифоя.

2. Давлатнинг вазифалари ва функциялари.

Давлатнинг вазифалари ва функциялари тушунчаларининг ўзаро муносабати қандай. Авваламбор, давлатнинг вазифалари ва функциялари унинг мақсадидан келиб чиқади. Давлат ўз мақсадини ифода этишда унинг ижтимоий мавқеи намоён бўлади. Мақсадга эришиш учун эса муайян вазифаларни ҳал этиш зарур. Бу эса тегишли функцияларни амалга оширишни тақозо этади.

«Давлат функцияси» ва «давлат вазифаси» тушунчаси ўзаро боғлиқ. Давлат вазифаларига мутаносиблик давлат функциялари тушунчасининг муҳим аломатидир. Бунинг сабаби — давлат ва жамият олдида муайян



вазифалар пайдо бўлиши билан тегишли функцияларни амалга ошириш зарурати туғилади⁵.

Шундай қилиб, давлатнинг вазифалари, биринчидан, муайян мақсадларга эришишни, иккинчидан, фаолият муайян турининг зарурлигини тақозо этади. Давлат функциялари унинг вазифаларига боғлиқ. Давлатнинг вазифалари давлат функциялари мавжудлиги учун шароит яратади, уларнинг мазмунини белгилайди, уларни амалга оширишнинг шакл ва усулларига таъсир этади.

Давлат олдида турган битта вазифа унинг битта функциясига ҳамisha ҳам айнан мувофиқ бўлавермайди. Баъзан давлатнинг бош вазифалари унинг бир неча функциялари билан амалга оширилади. Ва аксинча, битта функция орқали давлатнинг бир неча кичик вазифалари адо этилиши мумкин. Сўнгра, ҳар бир давлатнинг мақсади, сиёсати ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун унинг ўзи ва тегишли органлари зарурий ваколатлар (ҳуқуқ ва бурчлар йигиндиси)га эга бўлади. Жамиятнинг бошқариш тизимида давлат алоҳида мавқега эга бўлиб келмоқда. Бу унинг ваколат доирасини белгилайди.

Ваколатларни амалга ошириш, бажариш, адо этиш эса, ўз навбатида, давлатнинг, унинг идораларининг фаолиятини ташкил қилади. Давлатнинг ҳар бир тараққиёт босқичида муайян функциялар туғри келади. Масалан, ҳозирги замон давлатларининг барчасида иқтисодий функциялар мавжуд. Аммо уларнинг мазмуни, шакллари, амалга ошириш усуллари турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир ижтимоий тараққиёт босқичига ўзига хос функциялар туғри келади. Шу боис давлат янги босқичдаги ривожланишга ўтар экан, ўз вазифаларини тўла ёки қисман ўзгартириши мумкин. Янги давлат функциялари пайдо бўлиб боради, аммо эскилари ҳам изсиз йўқолмайди, улар фақат қуринишларини ўзгартиради, янги мазмун билан бойийди. Бу ҳолни ҳар қандай давлатнинг тараққиётида кузатиш мумкин.

Ҳар қандай давлат уни қўллаб – қувватлайдиган ва фаолиятида

⁵ А.Саидов, У. Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, 2 жилд, ИИВА, Тошкент, «Адолат»- 2001 йил, 1-жилд, 190-бет




қатнашадиган фуқароларининг фаоллиги ва онглилиги билан кучлидир. Давлат ўз фаолиятида турли – туман синфий, гуруҳий, миллий ва бошқа хар хил ижтимоий манфаатларни инобатга олса, умуминсоний кадриятларга таяниб иш тутса, ана шундай кучлилик мақомига эришади. Фақат шундагина уни демократик давлат деб аташ мумкин.

Давлатнинг функциясидан унинг айрим тузилмавий булинмалари (масалан, молия фаолияти, юстиция соҳасидаги фаолияти ва ҳоказолар) томонидан амалга ошириладиган давлат фаолияти турларини фарқ қилмоқ зарур. Давлат функциясини, шунингдек, давлат олдида турган вазифаларни амалга оширишнинг шакл ва методларидан ҳам фарқ қилиш керак.

Давлатнинг функциялари ҳуқуқ манбаларида (қонун, одил судлов, бошқарув орқали) ва ташкилий шаклларда (ташкилий тадбирлар тизими орқали) амалга оширилиши мумкин.

**3. Давлат функциялари таснифлаш. Давлат функцияларининг
ривожланиш ва ўзгартиришга таъсир қилувчи омиллар
(ички ва ташқи).**





- мулкчилик
шаклининг ҳимояси;
- ҳуқуқ тартибот
ҳимояси;
- табиат ва атроф
мухит ҳимояси;
- иқтисодий;
- ижтимоий;
- илмий-техника
прогресси тараққиёти.

- мамлакатни ташқи
ёвуз кучлардан ҳимоя
қилиш;
- босқинчилик урушлари;
- ўзаро манфаатдор савдо-
сотиқ;
- тинчликни таъминлаш.

Ҳуқуқий адабиётларда давлат функцияларини таснифлашнинг турли асослари (мезонлари) учрайди.

Давлат функцияларини:

биринчидан, давлат функцияларининг пайдо бўлиши ёки манбаларига қараб;

иккинчидан, ҳаракатининг давомийлигига кўра;

учинчидан, фаолият доирасига кўра;

Айтиб ўтилганидек исталган давлатнинг функциялари унинг моҳиятига ҳал қилувчи таъсирни кўрсатади. Давлатнинг моҳияти эса қарама-қаршиликлардан иборат бўлиб, бу қарама - қаршиликларнинг 2 та томони - умумижтимоий ва синфий томонлари мавжуд. Умумижтимоий томонлар жамият талабларидан келиб чиқса, синфийлик - унинг синфий қарама-қаршиликлари билан шартланади.

Яқин пайтларга қадар давлатнинг функциялари синфий характерга эга ва синфий қарама-қаршиликлардан келиб чиқади деб умум тан олинарди. Бу эса ўз навбатида давлат билан жамият ўртасидаги ўзаро ҳаракат (муносабати)ни йўққа чиқарар эди. Ҳақиқатда эса ҳатто жамият ҳам, синфларга бўлинишига қарамасдан бир бутун организм бўлиб, ундаги қарама-қарши синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли қатламлари биргаликда амал қилади ва ўзаро ҳаракатда бўладилар.



Давлат жамиятнинг ташкилий шакли сифатида умумижтимоий фаолиятини бажармаслиги, жамиятдаги умумхалқ барча синфлар, гуруҳлар, аҳоли қатламларининг бир қатор йўналишлари бўйича манфаатларини ҳимоя қилмаслиги мумкин эмас. Цивилизация ва демократиянинг тараққиёти давлатнинг умумижтимоий фаолияти учун кенг йўл очиб бермоқда. Ҳозирги вақтда умумижтимоий функциялар бош масалалардан бири бўлиб қаралмоқда (иқтисодий, ижтимоий, демократии ҳуқуқ-тартибот қўллаб-қул.).

Давлатнинг умумижтимоий функциялари жамият ичидаги муносабатлар ва алоқаларнинг стабиллигини, унинг бутунлигини, талаб ва манфаатлардан келиб чиқадиган бирлигини таъминлайди (иқтисодий, ижтимоий, маънавий, миллий).

Синфий жамиятда эса ижтимоий гуруҳлар иқтисодий белгиларга асосан бир-бири билан қарама-қарши бўлиб, уларнинг ўзаро манфаатлари бир-бирига тўғри келмайди, ўз навбатида давлат иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфнинг сиёсий ташкилоти бўлиб юзага чиқади ва унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бундай давлатнинг асосий функцияси - эксплуатация қилинувчи гуруҳ ёки синфларнинг қаршиликларини бостиришга қаратилган бўлади. Бу функциялар асосан қулдорлик феодал ва капиталистик жамияти давлатларига хосроқдир.

Шундай қилиб, давлат функцияларининг пайдо бўлиши ёки манбаларига қараб уларни иккига бўлиш мумкин:

- синфий қарама-қаршиликлардан келиб чиқадиган функциялар;
- жамиятнинг талабларидан келиб чиқадиган функциялар (ҳуқуқ тартиботни, табиат муҳофазасини ва бошқаларни таъминлаш).

Ҳаракатининг муддатига, давомийлигига кўра давлат функцияларини доимий ва мувақат функцияларга бўлиш мумкин. Доимий функцияларга давлатга доимо хос бўлган хусусиятлар масалан, давлатнинг иқтисодий функцияси киради. Давлатнинг муваққат функцияларига маълум вақт мобайнида муайян мақсадга эришишга йўналтирилган вазифалар киради.



Масалан, фавкулодда ҳолат эълон қилинган даврдаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган фаолият муваққат тусга эгадир.

Давлат функциялари фаолият доирасига кўра ички ва ташқи функцияларга бўлинади. Давлатнинг ташқи функцияси ва бошқа давлатлар билан муносабати унинг ички мазмунидан, ички функцияларининг хусусиятидан келиб чиқади.

Давлат давлатлар қуршовида яшайди. Унинг бошқа давлатларга муносабати ташқи функциясида намоён бўлади. Давлатлараро муносабатларда давлатнинг миллий манфаатлари ифодаланади. Шунинг учун ташқи функция ички функция билан чамбарчас боғланган. Давлатнинг табиати, моҳияти қандай бўлса, унинг бошқа давлатларга бўлган муносабати ҳам шундай. Давлатлар — бир-бирлари билан турли алоқаларда бўлади. Лекин бу ҳали давлатнинг ташқи функциясини билдирмайди.

Давлат функцияларининг ички ва ташқи функцияларга бўлиниши умумий тусга эга. Ўз навбатида давлатнинг ташқи функциялари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

Давлат функцияларининг таъсир этиш объекти — иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳа, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва жамоат тартиби сингари каби жабҳалардир. Шунга кўра давлат функциялари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва муҳофаза каби турларда намоён бўлиши мумкин.

Функцияларни таснифлаш (гуруҳларга, турларга бўлиш) давлатнинг моҳиятини чуқурроқ англашга, унинг жамият тараққиётидаги ролини яққолроқ намоиш этишга кўмаклашади. Бунда давлат фаолиятининг маълум босқичдаги бош йўналишлари (масалан, иқтисодий, ижтимоий, ташқи ва бошқа соҳалар) белгиловчи асос қилиб олинади⁶, албатта. Илгари, совет даврида давлат функцияларини марксизмнинг давлатнинг тарихий типлари туғрисидаги таълимотига биноан таснифлаш принципи ҳукмрон эди. Қулдорлик ва феодализм тузумида аҳолининг бир қисми деярли ҳуқуқсиз ёки чегараланган доирада ҳуқуқли

⁶ Муаллифлар жамоаси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮИ, Тошкент – 2000 йил, 176-бет



бўлган. Бу ҳолат ўша давлатларнинг функцияларида ўз ифодасини топганлиги табиий ҳолдир. Инсоният босиб ўтган асосий даврлардаги давлат функцияларини таснифлаш уларнинг муайян мазмуни ва тизимини чуқурроқ, англашга имкон беради.

Қуйида давлат функцияларини таснифлашга оид иккита умумий ҳолатни таъкидлаб ўтмоқ даркор.

а) Давлатнинг ички ва ташқи функциялари мавжудлиги ҳамма олимлар томонидан тан олинади. Ташқи функциялар кўпинча ички функцияларнинг давоми бўлиб, улардан келиб чиқади, уларни тўлдиради, айрим ҳолларда, масалан, уруш пайтида ички функциялар ҳам мамлакатни мудофаа қилишга хизмат қилиши тушунарлидир.

б) Давлат тараққиётининг барча босқич (давр)ларида аҳолининг ҳамма табақалари учун тегишли бўлган «умумий ишлар» давлат функцияси мавжуд бўлганлиги тобора кўп эътироф қилинмоқда⁷. Бу функция илгари синфий ҳукмронлик, зўрлик ишлатиш куроли деб аталган, қулдорлик ва феодал давлатларида ҳам мавжуд бўлган.

Ички функциялар ичида бир қатор қўриқловчи характерга эга бўлган функцияларни ажратиб ўтиш мумкин, буларга мулкчилик шакллари, ҳуқуқ, тартиботни таъминлаш, табиат ва атроф муҳитни, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқаларни қўриқловчи функциялар жумласига киради.

- Амалдаги мулкчилик шакллари қўриқлаш - бу функция барча давлатларга хосдир.

- Ҳуқуқ тартиботни қўриқлаш - исталган давлатнинг энг муҳим ва зарур функцияларидан бири бўлиб, у жамият талабларидан келиб чиқади.

- Табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш функцияси ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан биридир.

⁷ Спиридонов Л. И. Теория государства и права. Учебник, Москва, 1995, 47- 48-бетлар.



- Иқтисодий функция айниқса ривожланган давлатларнинг асосий функцияларидан бири қаторида кириб келди (XX аср иккинчи ярми). Иқтисодий функция антикризис йўналишига қаратилган бўлиб, мақсади ижтимоий йўналишга эга бозор иқтисодиётини яратишдир.

- Давлатнинг ижтимоий функцияси моҳиятан кўпқиррали, давлат фаолияти ҳажми(масштаби) жиҳатдан кенг бўлиб, унинг асосий вазифаси жамиятдаги ижтимоий ҳолатни юмшатиш, кишиларнинг ижтимоий аҳволини мумкин қадар тенглаштириш, соғлиқни сақлашни, маълумот олиш ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган.

-НТПни ривожлантиришга қаратилган функциялар...

Ташқи функциялар мамлакатни ёвуз кучлардан қўриқлаш; дипломатик алоқалар олиб бориш; урушлар эълон қилиш; давлатлараро савдо-сотиқ умумхавфсизликни таъминлаш; халқаро тинчликсевар ҳарбий кучларни ташкил этиш ва бошқаларга қаратилган.

Жамият ривожланишининг капиталистик ва ҳозирги демократик босқичларида барча давлат функцияларининг ижтимоий (социал) базаси тубдан кенгайиб, аҳолининг ҳамма гуруҳларини ўз ичига олади, яъни улар синф эмас, балки бутун халқ, миллат манфаатига хизмат қилади. Умуман ҳамма функцияларга фақат синфий нуқтаи назардан қараш давлатнинг жамиятдаги ролини камайтиради ва ҳолисона баён этишга ҳалақит беради.

Давлатнинг умумий ишлар функцияси мавжудлиги синфийликни биринчи ўринга кўтаришга имкон бермайди. Бу функцияга мамлакатни мудофаа қилиш, ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ва муҳофаза қилиш, шу жумладан жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш, бутун миллат, халқ манфаатларини кўзлаб умумий иқтисодий , ижтимоий-маданий (ғоявий) ишлар олиб бориш, Шарқда эса, булардан ташқари, суғориш иншоотларининг давлат ёрдами билан бунёд этилиши киритилиши



мумкин.

Л.И.Спиридонов мазкур функцияни янада кенг маънода олиб, унинг умуман инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилганлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу функция таркибига кишиларнинг ҳаёти, соғлиги ва нормал яшаши учун зарур бўлган табиий шароитларни таъминлаш; ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларни таъминлаш билан боғлиқ давлат фаолияти киради⁸.

4. Давлатнинг ички ва ташқи функциялари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллар.

Жамият ва унинг сиёсий тузуми ривожлана бориши оқибатида давлатнинг функциялари тизимида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб турган, шу жумладан тамоман янги функциялар пайдо бўлган. Бу ҳолат кенг ижтимоий тараққиёт сабабли юз берган. Тарихда куллар ва кулдорлар, крепостной дехдонлар ва феодаллар, ёлланма ишчилар ва капиталистлар бўлганлигини инкор этиш мумкин эмас. Шу боисдан қуйида давлат функцияларини кулдорлик, феодал, буржуа (капиталистик), собиқ СССР давлатлари мисолида кўриб ўтамиз. Кулдорлик давлатларининг қуйидаги функциялари мавжуд бўлганлигини асло инкор этиш мумкин эмас. С.Айнийнинг «Куллар» романида ёзишича, Ўрта Осиёда ҳатто XVIII асргача кул бозорлари мавжуд бўлган экан. Қуръонда ва мусулмон ҳуқуқининг бошқа манбаларида кулларнинг мавжуд бўлганлиги, уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди.

Кулдорлик давлатларининг ички функциялари.

1. Давлатнинг хўжалик юритиш фаолияти. Буни умумий оммавий ишлар юритиш функцияси, дейиш мумкин. Бу фаолият мамлакатнинг, уруғ ёки қабиланинг умумий манфаатларини назарда тутиб, олиб борилган. Бу функция, айниқса, Шарқда маълум даражада ривож топган. Чунки бу

⁸ Спиридонов Л. И. Теория государства и права. Учебник, Москва, 1995, 47- 48-бетлар



минтақада дехдончилик ишлари суғориш асосида олиб борилган, бунинг учун эса каналлар қуриш, сувни хўжаликлар ўртасида тақсимлаш каби масалалар давлат органлари томонидан бажарилган.

2. Қулдорлар мулки ва манфаатларини қўриқлаш – Бу функцияни амалга ошириш учун қадимги давлатлар қатор ҳуқуқий норматив ҳужжатларни қабул қилган ва уларга риоя этилишини таъминлаб турганлар, бошқа мулкӣ муносабатларни тартибга солиш чораларини ишлаб чиққанлар.

3. Қулдорлик давлатларида қуллар ва бошқа эзилган омма қаршилигини бостириш функцияси бўлган. Чунки, қуллар деярли ҳуқуқсиз бўлиб, ўз қулдорларига хизмат қилган, агар улар бу оғир ҳаётдан норози бўлиб, ғалаён кўтарса, қулдорлик давлати томонидан аёвсиз равишда бостирилган, албатта.

4. Қулдорлик давлатлари халқ оммасини ғоявий томондан давр руҳида тарбиялаш функциясини ҳам бажарган. Бунда қулдорлик тузумини назарий жиҳатдан асослашга, қуллар қўзғолонини жамият учун хавфли куч, деб кўрсатишга ҳаракат қилишган. Бунда дунёвий илмий билимларнинг пастлиги сабабли қулдорлик давлатлари аҳолига ғоявий тарбия бериш мақсадида диний ақидалардан кенг фойдаланган.⁹

Қулдорлик давлатларининг ташқи функциялари:

1. Улар ҳам бошқа давлатлар каби мамлакатни ташқи душманлардан муҳофаа қилиш функциясини амалга оширганлар, қўшни давлатлар билан маълум даражада алоқалар олиб боришган, савдо муносабатларини ўрнатишган.

2. Улар бошқа мамлакатлар аҳолисини (ҳудудини) босиб олиш, талаш, эзиш, солиқ (бож, ўлпон) тўлатиш функциясини адо қилиб туришган. Бундай фаолиятнинг мақсади бошқа давлатлар халқлари ҳисобига бойиш, урушда асир тушганларни эса қул қилиб ишлатиш бўлган. Худди ана шу қулдорлик жамиятида дастлабки босқинчилик урушлари келиб чиққан, бошқа давлатлар ҳудудини эгаллаб олишга кўплаб уринишлар юз берган. Босқинчилик урушлари оқибатида

⁹ Муаллифлар жамоаси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮИ, Тошкент - 2000 йил, 179-бет



Қадимги Урарту (Арманистонда), Эски Ниса (Туркменистонда) давлатлари, Кушон салтанати (Ўзбекистонда) кейинчалик йўқ бўлиб кетган.

Ўз моҳияти ва мазмуни билан қулдорлик давлатларининг функциялари феодал давлатлари функцияларида ҳам асосан такрорланади.

Феодал давлатларнинг ички функциялари:

1. Ижтимоий (оммавий) ишлар функцияси. Бу функция айрим давлатлар, айниқса Шарқда суғориш асосида деҳдончилик ишлари олиб борувчи давлатлар фаолиятида кўпроқ бажарилган. Масалан, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида давлат томонидан қатор бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилганлиги олимлар томонидан таъкидланмоқда. Бу ҳақида Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достонида ҳам, суғориш иншоотлари қурилишида қаҳрамонлик кўрсатганлар хусусида гапирилади. Ўша давлатлар бу йўналишда маданий-оқартув, маориф, аҳолига турли хизмат кўрсатиш борасида ҳам маълум умумий ишларни олиб борганлар. Бу ишлар аҳолининг барча табақаларига тааллуқли бўлган ва бутун мамлакат фаровонлигига хизмат қилган.

2. Шу билан биргаликда давлат ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига бўлган феодал мулкчилигини устун даражада қўриқлаш функциясини барча ташкилий ва ҳуқуқий усуллар ва чоралар билан амалга ошириб турган. Шундай бўлмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Чунки аҳолининг иқтисодиётда ҳукмрон бўлган гуруҳлари сиёсий ҳокимиятда ягона куч бўлиб, давлатни ўз манфаатига хизмат қилишга йўналтирган, феодалларнинг ерга бўлган мулкчилигини ҳимоя қилган.

3. Бу ҳам кам эди. Феодал давлатлари крепостной деҳқонларни қарамликда тутиб туриш, лозим бўлганда уларнинг қаршилигини бостириш функциясини адо қилиб туришган. Бундай фаолиятни ҳатто алоҳида феодаллар ҳам бажарган. Туғри, крепостной деҳқонлар қулларга Қараганда қисман озод, маълум ҳуқуқларга эга бўлган. Аммо улар ўзларининг мулкий мавқеи билан сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг фаол иштирокчилари бўла олмаган.



4. Бунинг устига феодал давлатлари халқ оммасини мафкуравий томондан тарбиялаш функциясини ҳам бажариб турган ва бунда дин ақидалари ва тузилмаларидан моҳирона фойдаланган. Бунинг устига улар дунёвий билимлар соҳибларига қарши қаттиқ кураш олиб борганлар. Буюк олимлик даражасига кўтарилган Коперник, Мирзо Улуғбек ва бошқалар фожиаси бунинг далилидир.

Феодал давлатлари ички функцияларининг руҳи уларнинг ташқи фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади.

1. Табиийки, феодал давлатлари ҳам ўз аҳолиси ва ҳудудларини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш функциясига эга бўлганлар ва бунда халқ оммасини ва барча воситаларни мамлакатнинг мудофааси манфаатларига хизмат қилдирганлар, бу курашни уюштирганлар.

2. Ўз навбатида, ҳар бир феодал давлати ўз ҳудудини бошқа мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш функциясини кенг равишда амалга ошириб келишган. Феодал давлатларнинг шу мақсадларда олиб борган ўзаро урушлари, ўнлаб мамлакатларни босиб олиш ҳоллари тарихда жуда кўп бўлган ва оқибатда босқинчилик натижасида йирик империялар вужудга келган. Марказий Осиёни аввал греклар, араблар, сўнгра муғул ва рус давлатлари томонидан босиб олиниши бунга яққол мисолдир. Бу урушлар туфайли фақат бизнинг минтақамизда ўз вақтида ривожланган юзлаб давлатлар йўқ қилиб юборилган ва ҳозир улар тарих мулкига айланган.

Феодал давлатлари функциялари ҳам ўзгариб, такомиллашиб борган, улар ўз тарихининг сўнгги босқичида феодал мутлақ ҳукмронлигини сақлаб қолишга, шиддат билан дунёга келаётган буржуа-капиталистик кучларга ва муносабатларга қарши курашга хизмат қилган. Буржуазия ва капиталистик ижтимоий муносабатларнинг тарих майдонига кириб келиши умуман инсоният тараккиётида янги даврни бошлаб берди. Бу давр куллик ва крепостнойликка барҳам берди, ҳамма шахсни расман эркин ва тенг, деб эълон қилди. Озодлик, адолат, тенглик, умумий сайлов ҳуқуқи, парламент каби тушунча ва шиорлар шу даврда пайдо бўлиб, реал воқеликка айланишга қадам қўйди. Буржуазия ва капиталистик



муносабатлар XVII-XVIII асрларда узил-кесил шаклланди, давлат ривожланишининг мазкур босқичида ҳам ёлланма меҳнат ва хусусий мулк муносабатлари сақланиб қолди. Шу муносабатлар буржуа давлатлари функцияларининг моҳиятини, мазмуни ва тизимини белгилаб беради.

Мазкур давлатларнинг ички функциялари:

1. Капиталистик ҳўжалик тизимини ва хусусий мулкчиликни муҳофаза этиш. Ушбу функция барча давлат аппарати фаолиятида, ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади.

2. Капиталистик муносабатлар чуқурлаша борган сари буржуа давлатлари инқилобий ва ишчилар ҳаракатини бостириш функциясини ҳам бажариб бораверади. Чунки ишчилар ва деҳқонлар мавжуд тузумдан норозилик кайфиятларини ифодалай бошлади ва хусусий мулкчиликка, эксплуатацияга қарши кураш очдилар. Шундай экан, буржуа давлати бундай ҳаракатларни бостириб келаверди.

3. Бутун халқ оммасини даврнинг ҳукмрон мафкураси руҳида тарбиялаш. Бу функцияни амалга оширишда буржуа давлати радио, телевидение, матбуот, маданий-оқартув муассасалари хизматидан кенг фойдаланади.

4. XIX аср охири ва XX аср бошларида капиталистик муносабатлар монополистик босқичга кирди. Монополизм ўз таъсирини давлат сиёсатида ҳам ўтказди. Натижада давлатнинг монополистик капитал манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ҳуқуқий тартибга солиб туриш функцияси пайдо бўлди. Бунга кўра давлат иқтисодиётда ўз секторини вужудга келтирди. Узоққа мўлжалланган иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва маблағлар билан таъминлаш каби чораларни белгилайди. Айни пайтда бу давлатлар фан, техника тараққиётини таъминлашга, табиатни муҳофаза этишга ҳам бефарқ эмас.

5. Капиталистик давлатлар аҳолига хизмат кўрсатиш, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаш функциясини ҳам бажармоқда.



Буржуа давлатларининг ташқи функциялари:

1. Йирик ва қудратли буржуа давлатларининг ўз мамлакатини муҳофаа қилиш фаолияти дунёдаги бутун капиталистик тузумни муҳофаза қилиш функциясига айланди. Шу мақсадда бизнинг асримизда жаҳоннинг турли минтақаларида ҳарбий, иқтисодий блоклар, ҳамжамиятлар барпо этилди, мазкур тизимни қўриқлаш бутун давлатнинг умумий иши, деб тушунилди. НАТО бунинг яққол қўринишидир.

2. Минг афсуски, капиталистик давлатлар фақат муҳофаа билан шуғулланмади, балки босқинчилик урушлари сиёсатини ҳам олиб борган. Уларнинг айби билан XX асрнинг биринчи ярмида икки марта ўта даҳшатли жаҳон уруши ва локал урушлар олиб борилиб, ўн миллионлаб инсонлар қурбон бўлди. Бунда жаҳонда ҳукмрон бўлиш, бошқа халқлар бойлигини эгаллаш, гегемонизм ғояларига суяниб иш қўрилган.

3. Ер шарида «социалистах» деб аталмиш давлатларнинг пайдо бўлиши ва яшай бошлаши капитализмни қаттиқ ташвишга солди, унинг мустамлакачилик сиёсатига кетма-кет зарба бера бошлади. Шу боисдан ҳам улар бошқа давлатлардаги инқилобий ва миллий озодлик ҳаракатларини бостириш функциясини ҳам бажара бошладилар. Хозир замон ўзгарди, бу функцияга эҳтиёж кўп жихатдан камайиб кетди.

Бугина эмас, капиталистик давлатларнинг ишчилар ва инқилобий ҳаракатдан, социалистик тузум хавфидан «ташвишланиши» етмиш йиллик даврдан кейин деярли йўқолди. Инсоният минг йиллардан буён табиий равишда тараққий этиб келган йўлга қайта кириб келмоқда. Энди ўйлаб қарасак, Россияда 1917 йилдаги Октябр тўнтариши ғайритабиий ҳаракат булганлиги тобора аниқ бўлмоқда.

Туғри, марксизм ва социализм ғоялари инсоният ривожланишидаги яхши ҳаёт рамзи сифатида эмас, балки миллионлаб кишиларнинг оғир турмуши, яхши яшаш учун қилган орзу-умидлари натижасида юзага келганди. Социалистик гузал ва бой турмушга олиб инқилоб, пролетариат диктатураси



ана шундай келиши тасаввур этилар эди. Пекин бундай бўлиб чиқмади. 70 йилдан ортиқроқ вақт яшаган ниҳоятда қудратли СССР мустақил давлатларга тарқалиб, бўлиниб кетди, социализм ва коммунизм кураш назарияси ва амалиёти асримизнинг 90-йилларига келиб барбод бўлди.

5. Ўзбекистон давлатининг асосий функциялари.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ички функцияларига қуйидагилар киради: иқтисодий функциялар, ижтимоий функциялар, молиявий назорат функцияси, жамиятда тинчлик ва келишувчиликни таъминлаш функцияси, ҳуқуқтартиботни қўриқлаш функцияси, табиатни муҳофаза этиш (экологик) функцияси ва бошқалар. Асосий иқтисодий функцияларга:

- а) мамлакатни иқтисодий ривожлантириш умумий дастурларини аниқлаш;
- б) нисбатан бир мунча приоритетга эга бўлган иқтисодиёт соҳаларини рағбатлантириш;
- в) тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- г) янги бандлик сиёсатини шакллантириш (иш билан таъминлаш) ва бошқалар киради.

Асосий ижтимоий функцияларга:

- а) ёрдамга мухтож бўлган жамият аъзоларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- б) соғлиқли сақлаш, маданият, таълим-тарбия ва бошқаларга тегишли маблағ ажратиш;
- в) умумиижтимоий ҳимоя тизимидан секин-аста ижтимоий кафолат



тизимига ўтишни амалга ошириш;

г) ижтимоий адолат принципига қатъий амал қилиш ва бошқалар киради.

Молия назорати функцияларини қуйидагича тузишимиз мумкин: ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ва ўз навбатида уларни ижтимоий ва умумдавлат эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат ҳамда маҳаллий бюджетга йўналтириш.

Жамиятда тинчлик ва барқарорлик (келишувлик) функциясини: барқарорлик, тинчлик ва ўзаро келишувликни таъминлашга қаратилган, маълум мақсадга йўналтирилган ва доимий равишда олиб бориладиган фаолият деб қараш мумкин.

Ҳуқуқтартиботни қўриқловчи функцияси нафақат бу йўналишдаги қонунларни ишлаб чиқиш ёки қабул қилишдан иборат бўлмасдан, балки уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳам демакдир.

Табиатни муҳофаза (экология) этиш функциясининг мақсади қуйидагилардан иборат:

- республика атроф-муҳитга ва экологик вазиятга зарар етказмаслик, табиат ресурсларидан ёвузларча фойдаланишга йўл қўймаслик;

- Оролни қутқариш учун бошқа давлатлар билан биргаликда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, оролбуйида экологик муҳитни яхшилашга қаратилган ишларни олиб бориш ва.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи функцияларига қуйидагилар киради:

а) янги ташқи сиёсатни қуриш мақсадида бошқа давлатлар ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликни йўлга қўйиши;

б) мамлакатни мудофаа функцияси:

- ҳарбий кучларни доимий такомиллаштириш;
- мамлакатни ҳарбий қувватини мустаҳкамлаш;
- давлат чегараларини қўриклаш;



- ҳарбий кучларни (армияни) билимларини ошириш.

6. Давлат функцияларини амалга оширишнинг шакллари ва усуллари.

Давлат ўз функцияларини бажаришда тегишли шакллардан фойдаланиши ҳамда ўз фаолияти давомида турлича усулларни қўллаши зарур бўлади.

Давлат функцияларини амалга оширишнинг иккита шаклини ажратиш мумкин - ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган шакллар.

Ҳуқуқий шаклларда давлат билан ҳуқуқнинг алоқаси, давлатнинг ҳуқуқ ва қонунларга биноан ўз функцияларини бажаришдаги мажбуриятлари (ҳаракатлари) ўз ифодасини топади. Жумладан, улар давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг қандай ишлаётганини, уларнинг қандай юридик ҳаракатларни амалга ошираётганликларини кўрсатади.

Кўпинча давлат ўз функцияларини амалга оширишда ҳуқуқий шаклларнинг 3 таси ажратиб кўрсатилади, яъни ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқ ижрочилиги ва ҳуқуқ муҳофазаси.¹⁰

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти - бу норматив ҳуқуқий актларни тайёрлаш ва нашр этиш бўлиб, фаолиятсиз давлат ўз функцияларини амалга ошириши мумкин бўлмайди.

¹⁰ А.Саидов, У. Тожионов, Х. Одилқориев. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». ИИВА, Тошкент, «Шарк» нашриёти - 2002, 75-бет



Хуқуқ ижодкорлиги фаолиятида - қонун ва бошқа норматив актларнинг тадбиқ этилиши, ёки қонуншуноснинг яхши тилаклари сифатида қолиб кетиши кўп жihatдан боғлиқдир. Хуқуқ нормаларининг ҳаётга тадбиқи ҳукумат бошчилигида иш олиб борувчи бошқарув органларининг зимасига тушади.

Хуқуқни муҳофаза этиш фаолияти - бу тезкор ва хуқуқни қўллаш фаолияти бўлиб, хуқуқ тартиботни, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ва бошқаларни ҳимоя қилиш фаолиятидир. Ўз ичига у хуқуқбузарликларни олдини олиш чоралари, юридик ишларни ҳал этиш, юридик жавобгарликка тортиш ва ҳоказоларни олади.

Ҳозирги пайтда давлат функцияларини амалга оширишда шартнома шакллариининг роли (аҳамияти) ошиб бормоқда. Бу бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва давлат бошқарувининг марказдан четлаша бориши (децентрализация) билан шартланади.

Хуқуқий бўлмаган шакллар давлат фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги катта ҳажмга эга бўлган ташкилий-тайёргарлик ишларини ўз ичига қамрайди. Бундай фаолият зарур ва хуқуқона, лекин у юридик оқибатларга сабаб бўлувчи юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар билан боғлиқ.

Масалан, юридик ишларни ҳал этишда зарур бўладиган турли хил маълумотларни йиғиш, расимйлаштириш ва ўрганиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари, фуқароларнинг хат ва аризалари билан танишув ва бошқалар.

Давлат функцияларини амалга ошириш усуллари етарлича турличадир.

Давлат қўриқловчи (муҳофаза) функциясини амалга ошира туриб, ўзининг ишонтириш ва мажбурлов усуллариини, иқтисодий функцияларини амалга оширишда бир қатор иқтисодий усулларни (прогнозлаш, режалаштириш, имтиёзли кредитлаш ва бошқалар) қўллайди.

ХУЛОСА.

Собиқ совет иттифоқи тарқалиб кетгандан сўнг, миллий мустақилликни қўлга киритган давлатлар социализм ва коммунизм қуриш амалиётидан ВОЗ кечди, унинг ўрнига инсоният тажрибасида исботланган бозор муносабатлари асосидаги демократик жамият тузиш мақсад қилиб қўйилди. Биз юқорида бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ўз олдига қўйган ички ва ташқи функцияларини кўриб чиқдик. Республикамизнинг юқорида санаб ўтилган функцияларини бажариш учун давлат механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, *«Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак»¹¹.*

Бунда, авваламбор, давлат органлари шаклланишининг демократик асосларини мустаҳкамлаш, қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда давлат аппарати ваколатларини қатъий белгалаб қўйиш, бошқарув органлари тизимини иқтисодиётда бозор муносабатлари хусусиятлари, талабларига биноан қайта ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш кўзда тутилади. Чунки эндиликда иқтисодий соҳада давлат билан бир қаторда жамоа (оммавий) ва хусусий бошқарув унсурлари пайдо бўлмокда. Янги давр вазифаларини адо қила оладиган давлат хизматчилари гуруҳларини тайёрлаш ва қайта тарбиялаш жиддий вазифа ҳисобланади.

¹¹ Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. 3-том. Т., 1996, 178-бет



Шундай қилиб, даврлар ўта бориши билан давлатнинг функциялари тизими ҳам ўзгариб бораверади. Умуман давлат бор экан, у маълум функцияларни бажариб туради, акс ҳолда унинг мавжудлиги ҳеч бир маънога эга бўлмай қолади, албатта. Бироқ ана шу зарурий функцияларнинг давлат томонидан бажарилиши ҳар хил даражада бўлиши мумкин. Бу, сўзсиз, кўпгина омилларга, шу жумладан, давлатнинг моддий-иқтисодий имкониятларига, демократик тартибга, ички ва ташқи вазиятга боғлиқ бўлиши табиий ҳолдир.

Хуллас, жамиятда давлат қачон зарур бўлмай қолса ва у фуқаролик жамияти тузилмасига уйғунлашиб кетса, ўша пайтда унинг функциялари ҳам барҳам топади ва улар жамиятнинг ўзини ўзи бошқарувчи субъектлари зиммасига маълум ўзгаришлар билан юкланади. Бу ҳақда узил-кесил ва батафсил хулоса чиқаришга ҳали эрта, аммо жамиятнинг ўша юқори даражадаги тараққиётига эришилган сари мазкур муаммо тобора ойдинлашиб боради, инсоният ривожланиши эса узоқ келажакда ўша ҳар томонлама юксак марралар сари бориши муқаррардир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Рахбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент, «Ўзбекистон», 2008 йил.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интиломда», Т.: 1998, «Ўзбекистон»
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996
4. И. А. Каримов Биздан озод ва обод ватан қолсин .Т.2.- Т., «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., 1996
6. Каримов И. А. "Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида", Тошкент, "Ўзбекистон", 1997 йил

II. Махсус адабиётлар:

1. Муаллифлар жамоаси. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮИ, Тошкент - 2000 йил.
2. А.Саидов, У.Тожиҳонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, 2 жилдли, ИИВА, Тошкент, «Адолат»-2001 йил.
3. А.Саидов, У.Тожиҳонов, Х.Одилқориев. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». ИИВА, Тошкент, «Шарқ» нашриёти – 2002.
4. 3. Исломов. «Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар», Тошкент, «Адолат».
5. Бобоев Х.Б. ва Одилқориев Х.Т. умумий таҳрири остида. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. ТДЮИ. 2009 й.

III. Қўшимча адабиётлар:

- 1.ТДЮИ муаллифлар жамоаси «Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи», Тошкент, «Молия», 2002 йил.
- 2.Юридик энциклопедия // Таджиханов У таҳрири остида, Тошкент, «Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 йил
- 3.Юридик атамалар қомусий луғати, муаллифлар жамоаси, ТДЮИ, Шарқ нашриёти, 2003 йил.